“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи
_________ Х.Казакбаев
“30” апрель 2022 йил

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

*(техническое задание)*

## Наманган шаҳар Ҳуррият кўчаси ҳудудида жойлашган “Ҳабибий ҳиёбони” ҳудуди ва атрофини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ободонлаштириш ва реконструкция қилиш (ландшафт) (1-этап)

**БУЮРТМАЧИ:** Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

**Наманган-2022**

**Наманган шаҳар Ҳуррият кўчаси ҳудудида жойлашган "Ҳабибий ҳиёбони" ҳудуди ва атрофини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ободонлаштириш ва реконструкция қилиш (ландшафт) (1-этап)**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

| № | Асосий талаблар *(основный требования)* | Асосий маълумот ва талаблар *(основный информация и требования)* |
|---|---|---|
| 1. | Бюртмачи *(заказчик)* | Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси |
| 2. | Тўлов шартлари *(условия оплаты)* | «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасида шартнома тузилгандан сўнг, бажариладиган ишлар бўйича ишни бошлашдан олдин шартнома суммасининг 30% микдорида тўлов тўлаб берилади ва тасдиқланган Ф-2 Ф-3 га асосан Пудратчи томонидан 10 кун муддат ичида суммани ўтказишни амалга оширади. *(После заключения договора между «Заказчиком и «Исполнителем», до начало работ по выполненным работам, производится оплата в размере 30% от суммы договора и Исполнитель перечисляет сумму в течение 10 дней в соответствии с утвержденным актом Ф-2 Ф-3)* |
| 3. | Тўлов валютаси *(валюта платежа)* | Миллий валюта – сўм *(сум)* |
| 4. | Хизмат кўрсатиш шартлари *(условия оказания услуг)* | Техник топшириқлар Буюртмачининг манзилида амалга оширилиш лозим. *(согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)* |
| 5. | Етказиб бериш вакти *(срок поставки)* | 2022 йил май ойининг иккинчи ўн кунлиги |
| 6. | Молиялаштириш манбаи *(источник финансирокания)* | Бюджет |
| 7. | Танлов шартлари *(условия выбора)* | Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши. |

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

**Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи**

**Х.Казакбаев**

**30 апрель 2022 йил**

# Наманган шаҳар Ҳуррият кўчаси ҳудудида жойлашган "Ҳабибий ҳиёбони" ҳудуди ва атрофини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ободонлаштириш ва реконструкция қилиш (ландшафт) (1-этап)

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**БУЮРТМАЧИ:** Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

**Наманган-2022**

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

**1.1. Товар ва хизматларинг характеристикаси**

| № | Номи | миқдори |
|---|---|---|
| 1 | Наманган шаҳар Ҳуррият кўчаси худудида жойлашган “Ҳабибий хиёбони” худуди ва атрофини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ободонлаштириш ва реконструкция қилиш (ландшафт) (1-этап). Брусчатка босиш ва ободонлаштириш | 3340 м2 |

**1.2.** Танлов қиймати **603 039 500** *(олти юз уч миллион ўттиз тўққиз минг беш юз)* сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.3.** Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

**1.4.** Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 календар кун.

**1.5.** Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

**2.1.** Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Наманган шаҳар Оромгоҳ кўчаси 3 уй

**2.2.** Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

**2.3.** Танлов Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси -“Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

**3.1.** Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**3.2.** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма мабларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг молжалланаётган хажми *(50 фоиздан кам бўлмаган холда)*;

Низом маблағи миқдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бўлган ишлар *(хизматлар)*ни бажариш билан боғлиқ фаолиятқонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

**4.1.** Иштиркчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БУЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган и шва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

**4.4.** Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиқ бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Харид коммиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда

белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор вабул қилишга ҳақли. Товарнии (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси,агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт.Танлов хужжатларинингқоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.